



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 ноябр, сешанба № 177 (1191)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 ноябр кунин Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутати Наэрики Накамаки қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Япониядаги таниқли бу сиёсий арбоб мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Япония Ўзбекистонга турли йўналишлар, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим

ҳам катта.

Шуни айтиш жоизки, давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўзаро борди-келди ва олди-сотди, шунингдек, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларимиз ривожланиб келмоқда. Ортимизга Япония давлат арбоблари, парламент аъзолари, сиёсий партиялар етакчилари, йирик ишбилармонлар тез-тез ташриф буюраётгани, Тошкентда ҳар йили Япо-

ния маданияти кунлари ўтказилиб тургани, бир қанча япон фирмалари, агентлик ва ташкилотлари ваколатхоналари самарали фаолият кўрсатаётгани шундан далолатдир.

Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фаол қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий шериклар орасида Япония алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига ки-

ритилган япон сармояси 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ўзаро савдо ҳажми 133,1 миллион долларга тенг бўлди. Ўтган йили бу кўрсаткич 71,2 миллион долларни ташкил этганди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

НАСИЯГА КИМ ҲАМ ИШЛАРДИ

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Виллоят Кенгаши ва кўмиталар жойларда ишловчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса иш ҳақларининг ўз вақтида бериб борилишини таъминлашда аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Иш ҳақи ва бошқа тўловлардан юзага келаётган камчиликларни тугатиш, қарзларни ўз вақтида узиш борасида амалий ёрдам бериш мақсадида Кенгаш 6 та ишчи гуруҳи тузиб, изчил фаолият юритмоқда. Мазкур гуруҳ корхона, муассаса, ташкилот ва ҳўжаликлар иш ҳақидан қарздорлиги ва унинг келиб чиқиши сабабларини атрофлича ўрганиб чиқди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўлашни учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юртувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда Меҳнат Кодексининг 154- ва 161-моддаларига қатъий риоя қилиш бўйича виллоят прокуратураси билан ҳамкорликда тадбир тузиб, иш олиб бормоқда.

Виллоят прокуратурасининг ташаббуси билан йил бошида иш юритувчи субъектлар раҳбарлари билан ўтказилган мулоқот меҳнат жамоаларида қонуллар бузилишининг олдини олишда муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Агротехноат мажмуи таркибидаги 10 та бошқарма ва бирлашмалар тизимидаги 316 та корхона, ташкилот ва ҳўжаликларда йил бошида иш ҳақидан қарздорлик катта эди. Виллоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси томонидан қарздорликка йўл қўйган 8 та бошқарма ва бирлашмаларга ушбу камчиликни бартараф этиш юзасидан эътирозномалар юборилди. Қўрилган чора ва тадбирлар натижасида иш ҳақидан қарздорлик 40 фоизга, қарздор ташкилотлар сони 46 фоизга, нафақалардан қарздорлик 72,4 фоизга камайди. Фарғона туманидаги У.Юсупов номи ширкат ҳўжалигида, Олтириқ пахтани қайта ишлаш ҳисдорлик жамиятида эса маошдан қарздорлик бартараф этилди.

Қўкон шаҳар кўзи оғизлар жамия-

ти ўқув ишлаб чиқариш комбинатида 202 нафар ходимга 2000 йилнинг сентябр ойдан жорий йилнинг март ойигача иш ҳақидан катта миқдорда қарздорлик борлиги ишчи гуруҳи томонидан аниқланди. Бу маъмурият томонидан ўзаро ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, қолаверса, масъулиятсизлик сабабли юзага келган экан. Биз масалани кўндан кўн қўйдик. Натижада комбинат раҳбари В.Охунов вазифасидан озод этилди. Ишчи гуруҳи таклифи асосан комбинат бош ҳисобчиси М.Йўлдошевга «ҳайфсан» эълон қилиниб, қарздорликни бартараф этиш учун ҳўжалик судига мурожаат этиш

Касаба уюшмалари бозор шароитида

вазифаси касаба уюшма кўмитасига топширилди.

Марғилон шаҳридаги автомо-

билларни таъмирлаш корхонаси, 1, 2, 476-сонли кўчма механизациялашган жамланмалар, Қўқон шаҳридаги 1 ва 2-пахта тозалаш заводларида иш ҳақи ҳисобидан турли маҳсулотларга натура қўринишида берилмоқда. Қўқон мотор таъмирлаш корхонаси, Марғилон «Сувоқава», «Иссиқлик манбаи», 426-механизациялашган кўчма жамланма, «Фарғонагазтаъминоти» шўъба корхонаси каби меҳнат жамоаларида қарздорликни бартараф этиш борасида янги усуллардан оқилона фойдаланилмоқда.

Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорликни тугатиш борасида қўрилаган амалий чора ва тадбирлар яхши самара берапти. Омборларда мавжуд бўлган қундалик эҳтиёж моллари ишчиларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи ҳисобидан натура ҳолида берилаётди. Ҳўжалик боғларини ижарага бериш ёки сотишдан тушадиган маблағларни ҳам ана шу мақсадларга йўналтириш, ички имкониятларни ишга солиш каби чоралар амалга оширилаётганлиги қарздорликни тобора камайтириш имконини берапти.

Ҳўжаликлардаги касаба уюшма кўмиталари ҳақи учун ажратилаётган маблағларнинг аниқ мақсад учун сарфланишини қаттиқ назорат қилмоқдалар. Аммо ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар анчагина

Анваржон ЮНУСОВ,
Фарғона виллоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

Энг яхши саломатлик масканлари

ВИЛОЯТ РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ

Мирзачўл туман маркази — Гагарин шаҳрида жойлашган Жиззах виллоят реабилитация шифохонасида жорий йилнинг ўтган даврида 723 киши ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Мазкур шифохонага терапевт-кардиолог Александр Сафонов раҳбарлик қилади. Мен у киши ҳақида кўп эшитганман. Айтишларича, сергайрат, сабр-бардошли бу инсон фалокат сабабли анча йиллар олдин иккала оёғи ишламай қолганди.

Бош шифокор қабулига кирмоқчи эдим, у киши муолажа билан банд экан, бироз кутшимга тўғри келди. Олтимш ёшлар чамасидаги бемор Сафаргул Алмуродовани гапга тутаман ва фақат барака топсин деган сўзларни эшитаман.

Бош ҳақим хонасига кирдик. У махсус аравачада ўтириб, кўллари ёрдамида ҳаракат қиларки киши муолажа билан банд экан, бироз кутшимга тўғри келди. Олтимш ёшлар чамасидаги бемор Сафаргул Алмуродовани гапга тутаман ва фақат барака топсин деган сўзларни эшитаман. Бош ҳақим хонасига кирдик. У махсус арава-

кор» жамоа корхонасига айлантирилди. Икки йил ўтган, унинг негизига 50 ўринли виллоят реабилитация шифохонаси ташкил этилди.

— Шифохонамизнинг бошқалардан фарқи шундаки, — дейди бош шифокор, — бизда беморлар балчик, минерал ванна, игна-терапия сингари усулларда даволанишади. Шифохонамизда 2 турда — давлат ва жамоа мулкчилиги асосида хизмат кўрсатишмоқда.

Тиббий ёлмасканида ўтган йили бир миллион сўмликдан ортиқроқ пуллик хизмат кўрсатилиб,

олинган даромад ҳисобидан шифохона юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди, коммунал хизмат кўрсатиш аҳволи яхшиланди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 650 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

— Ошқозоним оғриб шифохонага келгандим, — дейди. Дўстлик шаҳридан келган бемор Гулнора Раҳимова. Олаётган муолажаларим тўғрисида аниқ яхшиман. Менга, айниқса, оғриқсиз, дорисиз даволашлар маъқул бўлапти. Парҳез таомлар жуда сифатли тайёрланади.

Бундай миннатдорчилик сўзларини бугун шифохонада даво топаётган кўплаб беморлардан эшитиш мумкин.

А. АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

БАРЖАЛАР НАРИГИ СОҲИЛГА ЙЎЛ ОЛДИ

Термиз дарё портидан турли мамлакатлардан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган озик-овқат маҳсулотларини нариги соҳилга — Афғонистонга ўтказиш бошланди.

Иккита баржага 400 тонна ун юкланди. Юклар Хайротон портига етказиб берилади. Термиз дарё портидан ҳар ойда 16 минг тонна инсонпарварлик юки жўнатилади. Инсонпарварлик ёрдами баржаларга юклай пайтида мамлакатимиз ва чет эл омавий ажирот воситалари муҳбирлари қатнашди.

(ЎЗА).

ЕТБ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ САРМОЯ КИРИТМОҚДА

Шу кунларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьер раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазирини Рустам Азимов билан учрашди.

Музокара сўнггида ЕТБ томонидан Ўзбекистондаги турли лойиҳалар учун кредитлар ажратилиши борасидаги битимлар имзоланди.

Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат компаниясига локомотивларнинг техникавий аҳволини яхшилаш ва мамлакатимиздаги локомотив таъмирлаш заводини такомиллаштириш учун 77 миллион евро ажратилди. ЕТБ анча вақтдан буён Ўзбекистон темир йўлларидаги такомиллаштириш ишларида иштирок этиб келмоқда. 1999 йили банк «Ўзбекистон темир йўллари» учун 40 миллион евро миқдорда кредит ажратган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан ЕТБ ўртасида Анджион шаҳрида иссиқлик таъминотини яхшилаш учун 17,5 миллион евро ажратиш борасида ҳам ҳужжат имзоланди. Швейцария ҳукумати Анджион шаҳри иссиқлик таъминотини яхшилашга ўз улушини қўшиш мақсадида, 4 миллион АҚШ доллари миқдорда грант ажратишга қарор қилгани ҳам эълон қилинди.

Аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган бу лойиҳа бизнинг банк учун ҳам жуда муҳим, — деди Жан Лемьер ҳужжатларни имзолаш маросимида.

Шу кунгача ЕТБ Ўзбекистондаги 15 лойиҳа учун 570 миллион евро миқдорда маблағ ажратган.

ЕТБ делегацияси аъзолари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган АБН-АМРО, Сосьете Женерал, УзДЭУ, Ўзбекистон-Ньюмонт каби чет эл банклари ва компаниялари ваколатхоналари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Элмурод ЮНУСОВ,
ЎЗА муҳбири

— Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида изчил давлат сиёсати олиб борилаётгани боис мамлакатимизда бизга ўхшаган тадбиркорлар сони кўндан-кўнга кўпаймоқда. — дейди Гиждувон туманидаги «Шоҳинабону» кичик корхонаси раҳбари Жамила Эсанова. — Бу эса ўз навбатида аҳолини халқ истеъмол моллари билан таъминлаш билан бирга янги иш ўринларини яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мисол учун, бундан икки йил муқаддам иш бошлаган пайтимида 5 та иш ўрни яратгандик. Ҳозирга келиб эса тикувчилик ва савдо билан шўғулланидиган корхонамизда 32 нафар ўғил-қизлар иш билан банд. Уларнинг ўртача ойлиги 35-40 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ишларимизнинг ўнгидан келишида Акционерлик-тижорат «Пахта-Банк»нинг Гиждувон бўлими ҳиссаи ҳам салмоқлидир. Хусусан, ўтган йили банкдан 2 миллион сўм кредит олдик. Шунинг 800 минг сўмини тикувчилик машиналарини олишга сарфладик. Бу йил ҳам 4 миллион сўм қарз олиб, 12 та иш ўрнини яратишга муваффақ бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ушбу соҳанинг янги ички маҳсулот таркибидаги улуши 2001 йил бошига келиб 31 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 1991 йилда бу рақам атиги 1,5 фоизга тенг эди.

Ана шу ва бошқа ижобий силжишлар тўғриси-

КРЕДИТ ҲИСОБИДАН ҚЎШИМЧА ИШ ҲАҚЛАРИ

да ҳурматли Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нуктада алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 190 мингта ўрта ва кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу — йил бошига нисбатан 16 мингтага кўп, демакдир. Шу давр ичида тижорат банклари ва бошқа молия тузилмалари томонидан ушбу корхоналарга 72 миллиард сўм кредит берилди. Натижада 178 мингта янги иш ўринлари яратилди.

«Пахта-Банк»нинг Бухоро виллоят бошқармаси кейинги йилларда халқ

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

ҳўжалигида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, давлатимизнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида кўплаб ишларни амалга оширди. Хусусан, банк ўз ва бюджетдан ташкил қилинган ҳисобидан

ишлар қилинди. Виллоятдаги кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кредитга бўлган талаблари тўла қондирилди. 2001 йил 1 октябр ҳолатига бўлган кредитлар қолдиғи 916,7 миллион сўмни ташкил қилди. Ажратилган микрокредитлар қолдиғи эса 567,8 миллион сўмга тенг бўлди.

қўламли ишлари бу билан чегараланмайди. Чунинки, уларга лизинг асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида виллоятнинг 6 та ҳўжалигида 60 миллион 800 минг сўмлик қишлоқ ҳўжалик техникаси сотиб олиб берилди. Бундай лизинг хизматидан Олот туманининг А.Навоий номи, Шифиркон туманининг «Бухоро», Бобур номи, Янгибозор туманининг «Туркистон», Ибн Сино номи, Қоровулбозор туманининг «Пахтакор» жамоа ва яна кўплаб ширкат ҳўжаликлари баҳраманд бўлдилар.

Бундан ташқари, ҳўжаликларнинг 40 тасида ҳисоб-китоб ишлари компьютер орқали махсус дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Уларнинг бир нечасида «Банк-Мижоз» компьютер дастурлари ва модём алоқаси ўрнатилди. Натижада ҳўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақами орқали бўладиган амаллар тўғрисидаги маълумотларни олиш ва ҳўжаликда туриб пул қўчириш имкониятлари яратилди. Айни чоғда Гиждувон туманидаги «Гулистон», «Зарафшон», Шифиркон туманидаги Бобур номи ҳўжаликларида мазкур дастурдан оқилона фойдаланиб келинмоқда. Аҳоли омонатларини

жалб қилишни янада тақомиллаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларига яқиндан туриб хизмат қилиш мақсадида минибанклар ташкил этилмоқда. Айни кунларда Пешку, Қоғон ва Ромитан туманларида 5 та ана шундай банк шўбачалари фаолият кўрсатмоқда. Шу йил охиригача виллоятда яна шундай 7 та кичик банкни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Ўтган давр мобайнида Миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни барқарорлаштириш борасида республика ҳукумати ҳамда Марказий банк томонидан олиб борилаётган пуллик кредит сиёсатини амалда татбиқ этишда катта ишлар қилинди. Жумладан, касса режаси 18,2 фоизга ошириб бақарилди. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида ҳам бир қанча ишлар бақарилди. Масалан, банк бўйича шу йилнинг 1 январ ҳолатига омонатлар миқдори 341 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1 октябрга келиб бу рақам 456 миллион сўмни ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси бюджетдаги муассасаларга иш ҳақлари, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлаш имконини берди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Конституция — халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули

ҲАЁТИМИЗ БОШ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солишда ижтимоий адолат, фуқароларнинг умумий тенглиги, фуқаро ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги ҳолатига асосланади. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлигини, инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини қайд этади.

роити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш ва шу асосда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эришиш.

Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни, халқаро алоқалар, давлатимиз ташқи сиёсий йўли ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган. Дарвоқе, Асосий Қонуннинг биринчи бўлими IV боби «Ташқи сиёсат» деб номланган. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари ифода қилинган.

Унда мамлакатимизнинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ташқи сиёсат юритилиши ва бунда ҳуқуқнинг тенг вақо-Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ҳуқуқ ва бурчларимизни теран англаш гоёси билан боғлиқдир. Шу йил январ ойида Президентимизнинг Конституцияни ўрганиш ва унинг тарғиботи юзасидан эълон қилинган Фармойиши ҳам айнан шу мақсадларни кўзлайди.

Асосий Қонунимиз ҳақидаги ўйларимиз ёш авлод тарбияси билан боғланаётганлиги бежиз эмас. Бунинг учун, аввало, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз лозим. Ўзбекистон раҳбари шу маънодаги масалани ечиш йўли деб қуйидаги фикрни баён қилган эди: «...Юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт ша-

латли субъекти сифатида ҳаракат қилиши мустақамлаб берилган. Бу моддадаги асосий тамойиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, уни амалга ошириш йўллари белгилашга Конституциявий негиз бўлиб хизмат қилади.

Булар: - биринчидан — давлатларнинг суверен тенглиги;

- иккинчидан — куч ишлатмаслик ёхуд куч билан таҳдид қилмаслик;

- учинчидан — ўзга давлатнинг худудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлигини тан олади;

- тўртинчидан — низоларни тинч, сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади;

- бешинчидан - бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига оғишмай риоя қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасидан келиб чиқадиган ҳу-

лоса шундан иборатки, мамлакатимизнинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг барча маърифий мамлакатлар томонидан эътироф этилган қоидалари ва нормаларига амал қилиш негизига қурилган. Ўзбекистон, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик тамойилини рўйбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқалар ўрнатишга интилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ қоидалари ва тамойилларини ҳамда уларнинг ички ҳуқуқий нормаларини устуворлигини тан олади.

Ўзбекистон Республикаси бошқа мамлакатлар билан тўла ишонч принциплари негизда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатлар ўрнатмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи (15 давлат аъзо), ЭКО (10 давлат аъзо), ГУҲОМ (5 давлат аъзо), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (6 давлат аъзо) ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик минтақавий, демакки, жаҳон барқарорлигига хизмат қилмоқда.

Лўнда ифодалаганда, Асосий Қонунимиз истиклолимизнинг ҳуқуқий негизидир. Олдимизда ўз ҳуқуқларини яхши билладиган, ўз кучига ва лаёқатига таянадиган, теварагида кечаётган воқеаларга мустақил муносабатга эга бўлган ва шунинг баробарида шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштири оладиган инсонларни тарбиялаш воситаси турар экан, бу вазифани тўғри англаш ва уни бажариш йўлидаги савий-ҳаракатларимиз ҳам Ватан, юрт олдидаги фидойилигимиз, қолаверса, конституциявий бурчимиздир.

Қ. ТҲХТАБЕКОВ, шарҳловчи.

ҲУНАРДАН УНАР

Қизилтепа шаҳрида айна пайтда ҳунармандчилик кенг ривожланмоқда. Уста Фарҳод Хайруллаев бошчилигида ишлаб чиқарилаётган шиша буюмларнинг довуғи нафақат вилоятда, балки бутун республика-мизда машҳурдир.

Суратларда: Тайёр маҳсулотлардан намуналар. Ҳунарманд усталар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Кўргонтепа туманида аънагага айлана бораётган меҳнат ярмаркасининг навбатдаги «Само» ҳиссдорлик жамияти ҳовлисида ўтказилди.

ХАЙРЛИ ТАШРИФ

Корхонанинг кадрлар бўлими, туман меҳнат ва бандлик бўлими фаоллари иш сўраб муурожаат қилиб келган 109 нафар ҳамюртлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг 68 нафарини шу ернинг ўзида мазкур корхонага ишга қабул қилдилар. Ишга олинганларнинг 14 нафари вояга етмаганлар ва 3 нафари жазони ўташ жойларидан амнистия туфайли озод этилган фуқаролар эканлиги қувончли ҳолдир.

Меҳнат ярмаркасига келган бошқа ишсизлар ҳам бу ердан ранжиб кетгани йўқ. Уларнинг бир қисми қисқа муддатли касб ўрганиш курсларига йўлланма олган бўлса, қолганлари «Устоз-шоғирд» дастури асосида ҳунар ўрганидиган бўлди.

Жорий йилда туманимизда етти марта «Бўш ишчи ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. - деди туман меҳнат ва бандлик бўлими бошлиғи Тилаловди Бобохонов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Иш сўраб келган 4052 нафар ҳамюртларимизга деярли 4,5 мингта иш жойи топиб бердик.



Ижтимоий ҳимоя

ЭЗГУ ИШЛАР

ДИЛНИ ХУШЛАР

Мамлакатимиз Президентининг «Республика пахта тозалаш санаетини монополиядан чиқариш ва бошқаришни тақомиллаштириш тўғрисидаги Фармони» бажариш юзасидан аниқ дастур иш-лаб чиқарилди. Бозор иқтисодий шартларида сифатли маҳсулот тайёрлаш, тармоқни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, илгор техника ва технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини кўрмоқдир.

Йилига 60 минг тонна хомашани қайта ишлашга ихтисослашган корхонада 3 та бригадада уюшган 560 нафар ишчи, инженер-техник ходим меҳнат қилади. Меҳнатга янгича муносабат шаклланди, ходимларнинг масъулияти ошириб бораётганлиги, мавжуд техника воситалари ва тала ажратувчи ускуналар беникусон ишлатилганлиги туфайли белгиланган шартномавий режалар ошириб бажарилмоқда.

Булутор 20 миллион 480 минг сўм соф фойда олинди. Тайёрланган маҳсулотлар АКШ, Канада, Швейцария, Англия, Япония, Корея, Австралия, Россия каби хорижий давлатларнинг санает корхоналарига экспорт қилинди.

Жамоада моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилганлиги учун самардорлик тобора ортиб бормоқда.

Ҳар бир юмушни сифатли адо этиб, мураккаб механизмлари моҳирлик билан бошқарилаётган Алламурод Холматов, Усмон Ҳуснов, Уткир Худойкулов, Хўжаелди Очилов, Соат Маматқулов, Мурод Абдиев, Янгибой Хўжаелдиев сингари созловчи ва тала ажратувчилар жамоанинг фахридир.

Қасаба уюшма кўмитаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Кези келганда ишчилар корхона ҳисобидан иссиқ овқат, сўт ва сут маҳсулотлари билан таъминланганлигини таъкидлаш жоиз. Шу кунгача иш жойларини таъмирлаш, техника ва меҳнат хавфсизлиги тадбирларига 13

миллион сўм сарфланди. 587 минг сўмлик маҳсул кийим-кечас тарқатилди. Сихатқоҳларга 10 нафар илгор ишчи юборилиб, йўлланмалар учун 500 минг сўм харажат қилинди.

Ҳомийлик ёрдами ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Тумандаги 19-мактаб ўқувчиларига 455 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Кам таъминланган оилалар, нафақахўр ва ногиронларга 2 миллион 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

200 ўринли клуб, 40 хўрандага мўлжалланган ошхона, кутубхона, ювениш ва дам олиш хоналари ишлаб турибди. Заводнинг «Толачи» футбол жамоаси вилоят ва туман муСОБАКАЛАРИДА ГОЛИБЛИКНИ Кўлдан бермапти.

Яна бир янгилик. Агар бир смена мобайнида пахтадан 20 тонна тола тайёрланса, ишчи ойлик маошига қўшимча равишда 15 минг сўм олади.

Завод қошида қўшимча тикувчилик цехи ишга туширилган бўлиб, унда, иш коржомалари, брезент чодирлар тайёрланмоқда.

Йил якунигача акциядорларимизга 6 миллион 900 минг сўмлик дивидент тарқатишни мўлжаллаб турибмиз. Маъмурият билан жамоа келишувига мувофиқ фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам ўтган йилгидан кўра кўпроқ маблағ ажратилди.

Эргаш ОЛТИБОВЕВ, Жаркўргон пахта санает очик ҳиссдорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси раиси.

Тадбиркор Усмонжон Имомназаров 70 миллион сўм маблағ сарфлаб, Поп тумани марказида «Бадриддин ота» номли ота-лар чойхонаси қурди.

ПОПДА «ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ»

Усмонжон ака ишнинг «кўзи»ни билладиган одам. Нафақада бўлишига қарамастан тиниб-тинчимайди. Қарамоқда «Улуғбек» номли фишт ва асфалт заводлари, «Уста Имомназар» номи билан юритилувчи маҳалла гузари бор. 300 дан зиёд ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари «Дилшод» номли боғчада бепул тарбияланади. Тадбиркор боғча харажати учун йилга 3 миллион сўм сарфлайди.

Юртбошимизнинг «Жойларда инсон омиллари худудий эътибор берилди» деган қунончиликларига бу маскан жавоб бўла олади, - деди туман ҳоқими Р.Исмаилов. Уста Имомназаров чойхона очилиши маросимида сўзга чиқиб: - Усмон акага ўхшаган фидойи одамларимиз бор экан, ҳали биз бундай ажойиб масканларни кўплаб кураимиз.

Икки қаватли, баландинаксинкор чойхонадан туман «Нуроний» жамғармасига ҳам хоналар ажратилди.

ХОРИЖЛИК САХОВАТПЕШАЛАР

Косонсойдаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернати учун Американинг Кўша Штатларининг «Нерси-Прожект» ташкилоти 50 минг сўмлик мусиқа асбоблари ҳамда синф хоналарини иситиш учун 420 минг сўмлик қунончиликларни ҳада этиди.

Бундан ташқари, мазкур ташкилот вакиллари мактаб-интернат жамоаси учун умумий миқдори 600 минг сўмлик турли хил қўриш аппаратлари, лупалар, кўзойнақлар ҳамда юқори синф ўқувчиларига мўлжал олиб юришлари учун мослаштирилган ҳассалар ҳам топширишди. Мазкур инсонларвар ташкилотнинг моддий қўллаб қувватлаши натижасида асакалик 17 нафар, косонсойлик 23 нафар кўзи ожиз ўқувчи жароҳлиқ йўли билан даволаниб, ёруғ оламни кўриш бахтига мушарраф бўлишди.

«Туркистон-пресс»

Техника хавфсизлиги

БАРЧАГА БИРДЕК ТЕГИШЛИ

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бажарилишини таъминлаш юзасидан тадбирлар ижросига эътибор қаратилган жамоаларда ҳеч қачон ноҳуш ҳодисаларга ўрин қолмайди. Буни «Бухоро ипаги» ҳиссдорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Корхона асосан вилоятда етиштирилган пилла хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, қарийб 1,5 минг киши меҳнат қилади. Бу ерда ишлаб чиқариш самардорлиги ой сайин ошиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича салкам 100 миллион сўмлик фойда олинди. Белгиланган режа 110 фоизга бажарилди. Энг муҳими ўтган даврда бирорта ҳам кўнгилсиз воқеа содир бўлмади.

Жорий йилда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 6 миллион сўмлик маблағ сарфлаш кўзда тутилган бўлиб, ушбу шартларнинг узвий бўлаги сифатида ишчиларга махсус кийим-бош харид қилиш учун 680 минг сўм харж

қилинди. Соғлиқ учун зарари шароитларда ишловчиларга 537,4 минг сўмлик сўт ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар берилди.

Корхонамизга янги келган ишчи техника хавфсизлиги бўйича албатта махсус курсни ўташи шарт. Сўнгра 2 ой давомида йўриқнома, техника хавфсизлиги бўйича кўрсатма ҳамда технология жараёнлар билан таъминтирилади. Шундан сўнг унга ишлашга рухсат этилади, - дейди техника хавфсизлиги бўйича муҳандис Тоҳир Тошпўлатов.

Барча цехларда махсус бурчаклар ташкил этилган. Адабиётлар, кўргазмалар воситалар мавжуд. Цех бошлиғи, ишлаб чиқариш усталари, бригадирлар ҳам техника хавфсизлигини таъминлаш-

га бирдек жавобгарлар. Қасаба кўмитаси фаоллари ҳам ишнинг бошида. Жумабой Холмирзаев бошчилигидаги 1-цехда 300 киши ишлайди. Ипақ чиқаришга мослашган бу участкада барча иш кўнгилдагидек ташкил этилган. Иситиш воситалари ишлаб турибди. Дам олиш хоналарида барча қўлайликлар мавжуд.

Корхонада «Устоз-шоғирд» аънасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Нилуфар Кенжаева, Насиба Ашрапова сингари ёш ишчилар айнан шу мактаб талабаларидир.

Жамоаимизда меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир ишчи, оддий ходим ёхуд етук мутахассис бу борадаги ўз масъулиятини яхши билади. Жамоа шартномасида ҳам белгилашма ишчи ва иш берувчининг бу соҳадаги мажбуриятлари ўз ифодасини топган, -деydi ҳиссдорлик жамияти раиси Гофур Сафаров.

Н. УСМОНОВ.

Савоб ишни қунда, ҳар ким қилиши керак

ҲОКИМЛИК МОДДИЙ МАДАДИ

Мирзаобод туман ҳокимлиги хайрли ишга қўл урди. Иқтидорли ва жамоатчи ўқувчилар бундан буён ҳар ўқув чорағида энг кам иш ҳақи миқдоридан туман ҳокимлигининг моддий мададини олади. Умумтаълим ва мактаб интернатларидан номзоди қўйилган ўқувчиларнинг билимлари тест усулида синаб кўрилади. Туман халқ таълими бўлими эксперт гуруҳи аъзолари танлов иштирокчилардан энг юқори балл тўплаган 7 нафар ўқувчини туман ҳокимлиги рағбатига лойиқ деб топишди.

Гап маблағда эмас, балки эътиборда, - дейди Тўрабек Норбоев номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси Латофат Фозилова. - Бизнинг меҳнатимиз, билимимиз туман раҳбари томонидан шундай эъзозланар экан, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Алижон МАМАРАСУЛОВ, Мирзаобод туман таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси.

«ДАВРОНЖОН» ДАВР СУРОЛМАДИ...

«Ишонч» фош этади

Солиқни тўлаб қўйиб, хотиржам яшаганга нима етсин. Кўплар шундай қилишадди. Лекин, афсуски, гуруҳ орасида курмак ҳам кўзга ташланиб қоларкан... Жондор туманидаги «Давронжон» фирмаси маъмурияти кейинги пайтда пул тушуmlарини яшириш йўлига ўтиб олди. Фирмадагилар ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверди, деб уйладасин эдилар. Лекин улар кўза кунда синишини унутиб қўйгандилар.

Фирма «Шохруд» ҳамда «Омад» ҳиссдорлик жами-

ятларига пул кўчириб, катта миқдорда спиртли ичимликлар олди. Ичимликлар фирманинг савдо шохобчаларида сотилди. Бундан ташқар пул дарҳол банкка топширилиши лозим эди. Аммо очкўзлик касалига мубтало бўлган фирмачилар бошқа йўлни танлашди, яъни орқа-олдини ўйламай фақат ўз манфаатлари йўлида ишлаб-вердилар.

Лекин сеҳрли ўйин поёнига етмай туриб солиқчиларнинг хуштаги янгради. Шунда «Давронжон»-

нинг раҳбари Шароф Имомов оёғи куйган товукдек тибирчилаб қолди. Унинг безовта бўлиши учун асос бор эди, зотан қисқа муддат ичиде сотилиб бўлинган 14 миллион сўмлик ичимликдан оз эмас, кўп эмас нақ 1,2 миллион сўм солиқ тўланиши «ёддан кўтарилган» эди.

Банка пул тушмагач эса ишчи-хизматчилар маошларини ўз вақтида оломасликлари, кўп жойларда қасаба режаларининг барбод бўлиши, бу нарсадан фуқароларнинг норозилиги ке-

либ чиқиши ҳақида гапиришнинг ҳолати бўлмаса керак.

«Давронжон»нинг найрагани табиийки, Жондор туман давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари диққат-эътиборидан четда қолмади. Инспекция фирмага 13,1 миллион сўм жарима солди. Сўнгра иш туман прокуратурасига оширилди.

Эркин АҲАДОВ, Жондор туман ДСИ назорат шўъбасининг муdiri, Усмон НАВРҲҲ, «Ишонч» мухбири.

МУДДАТЛИ МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ

Саволингизга хуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Муддатли меҳнат шартномаси деганда нималарни тушуниш керак, барча билан ҳам шундай меҳнат шартномаси тузилиши мумкинми?

Ражаббой Отажонов, хайдовчи, Қўшқўпир тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномаларининг муддатлари кўрсатиб ўтилган, шу жумладан беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга меҳнат шартномаси тузилиши мумкинлиги қайд этилган. Бу иш берувчи хоҳлаган вақтда, яъни меҳнат шартномаси тузишда ёки иш давомида ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқига эга, дегани эмас.

Агар ходим билан муддатсиз меҳнат шартномаси тузилган бўлиб у ишни давом эттираётган бўлса, иш берувчи ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиши учун албатта, унинг розилиги олинши шарт.

Меҳнат кодексининг 76-моддасига мувофиқ иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланган дага асосан меҳнат шарт-жарила жак сийталари, уни шартлари ёки манфаатлари-ган ҳолда, но-муайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади.

Амалиётда қонуннинг бу талабларига риоя қилинмаган ҳолда муддатли меҳнат шартномалари тузиш ҳоллари учраб туради. Кўп ҳолларда иш берувчи бўш ўрин (лавозим) бўла туриб ходимни маълум бир муддатга ишга қабул қилади, масалан, 31 декабргача ва 1 январдан бошлаб янги меҳнат шартномаси тузилади. Бу ноконуний ҳисобланади ва ходим муддатли меҳнат шартномасига имзо чекмасликка ҳуқуқлидир.

Бундай муддатли меҳнат шартномасини тузган иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ўзига қулайли яратиш мақсадида қилади. Чунки Меҳнат кодексининг 105-моддасига асосан ходимни меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан вазифасидан озод қилиши мумкин.

Муддатли меҳнат шартномаси ходим билан муддатсиз меҳнат шартномаси тузишнинг имконияти бўлмаса ёки бундай меҳнат шартномаси тузишнинг ходимнинг ўзи илтимос қилгандагина тузилади. Масалан, иш жойи сақланган ҳолда таътиллари бўлган, касаллик варақасида бўлган ходимлар боланинг туғилиши ва уни парвардилаш муносабати билан таътилда бўлган аёлнинг ўрнига ва бошқа узрли сабаблар билан узоқ вақт ишда бўлмаган ходимлар ўрнига муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиниши мумкин, асосий ходим ишга чиқиши билан вақтинча ишга қабул қилинган шахс Меҳнат кодексининг 105-моддаси асосида вазифасидан озод қилиниши зарур.

Меҳнат кодексининг 76-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузиш қонунга нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштиради. Шу сабабли суд амалиётида, Меҳнат кодексининг 76-моддасида назарда тутилмаган ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузилиб, сўнггида меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан бекор қилиниши га йриқконуний деб ҳисобланади.

Ҳар бир муносададаги қасаба уюшма қўмитасининг фаоллари қонунчиликка тўлиқ риоя қилинишини доимий назорат қилиб боришлари зарур.



Денов туманида йил сайин тадбиркорлар сони ортиб бормоқда. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлди-



СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йилгилик тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Ҳўш, орадан ўтган вақт мобайнида қандай хулосалар чикарилди?

Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси М.Собиоров ушбу саволга қуйидагича жавоб қайтарди:

— Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда бизнинг тизимда масъулият ҳисси анча пасайиб кетди. Шу боис камчиликларни атрофича ўрганиб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқдик. Ҳар бир туман, шаҳар ва вилоят палатаси раҳбарияти зиммасига аниқ вазифалар юкланди ва уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида республикада 15,8 мингдан ортиқ кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари яратилди. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони эса жами 165,5 мингтани ташкил этди. Хусусан, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида 2001-2003 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш Бандлик Дастури ишлаб чиқилиб, амал-

сўрларнинг деярли 50 мингтаси қаноатлантирилди. Шулар орасида 50 дан ортиқ мурожаат хорижий тадбиркорларга тегишлидир. Биргина мисол: Американинг «Purchasing Corporation» компанияси ушбу тизим ёрдамида Қорақалпоғистон Республикасидаги «Элтекс» фирмаси билан тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан шартнома тузди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини тижорат банклари томонидан кредитлашни амалга оширишда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ярим йилликда Па-

гулик силжишга эриша олмадилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг айрим маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи талаблар даражасида қондирилмапти. Масалан, металл прокатига нисбатан 16 минг тонналик талаб атиги 4 минг тоннага қондирилди, холос.

Яна бир муаммо ҳақида тўхталиш жоиз. У ҳам бўлса, улгуржи бозорларда нақд пулга ун, металл буюмлар, ёғ, ёғоч материаллари ва шу қабиларни сотиб олиш мумкин. Лекин, тадбиркорлик субъектлари шу товарлар учун тўловни

жаатимиз қаноатлантирилмади. Натижада фирма 140 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятидан маҳрум бўлди.

Тадбиркорларни ҳуқуқий химоя қилиш Республика Президентининг «Ҳўжалик субъектларининг текширувни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ҳўжалик субъектларини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун қучга киргандан сўнг янги поғонага кўтарилди.

Агарда 1998 йилда бир ҳўжалик субъектига ўртача 2,5 та текшириш тўғрисида бўлса, 2001 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 1,1 тага камайди. Шу давр ичида палаталар томонидан 37 минг нафар тадбиркорга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Бундай ёрдам қўламини кенгайтириш мақсадида республика Палатасида ва унинг худудий тармоқларида ишонч телефонлари ўрнатилди.

Адлия вазирлиги бошқармалари билан биргаликда 139 минг нуҳсадан кўпроқ «Текширувларни рўйхатга олиш» китоби чоп этилиб, ишбилармонларга тарқатилди. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг 83 фоизи ушбу қўллаш билан таъ-

минланган. Ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида вилоятларда семинарлар ўтказилди.

Яна шу нарсани айтиб ўтиш керакки, «Ўзтадбиркорбанк», «Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентликлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар ечимини излашда лозим даражада ташаббус кўрсатолмаптилар. Палатанинг тижорат банклари, нобюджет фондлар ва бошқа бозор инфратузилмалари билан кредитлаш, лойиҳалар мониторингини амалга оширишда улар ўз ҳиссаларини қўшмаптилар.

Тадбиркорлик соҳасининг ҳозиргача ҳуқуқ, назорат ва тафтиш тузилмаларидан ишончли химоя қилинмаганлиги тадбиркорлар ишига жиддий ҳақиқат бермоқда. Бундай салбий ҳолатнинг сабаби — ҳали-ҳануз назорат қилувчи идораларнинг вазифарини аниқ белгилаб берадиган, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини текширувчи органлардан ишончли тарзда химоя қиладиган метёрий ҳужжатларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлигида десак, муболага бўлмас.

Сўхбатдош: **Ортик САИДОВ, «Ишонч» муҳбири.**

САЙЁРАМИЗ САДДОСИ

ТЕРРОРЧИЛАР ҚОЧИБ ҚУТУЛОЛМАЙДИ

АҚШ Федерал кидирув бюроси маълумотларига кўра, ҳозирга қадар биргина «Ал-Қоида» гуруҳининг Афғонистондаги ҳарбий лагерларида 11 мингга яқин жангари тайёрланди. Уларнинг бир қисми ҳозир Афғонистоннинг ўзиде, бир қисми Филиппин, Босния ва Чеченистонда бўлса, қолганлари қаерга гойиб бўлгани номаълум. Лондонда яшовчи саудиялик физик Мухаммад ал-Массарийнинг айтишича, «Ал-Қоида»нинг энг ашаддий жангарилари дунёнинг деярли барча «жанжал кўпчиб турган жойлари»да жанг қилмоқда. Лекин, ташкилот фаолиятини бошқариб, террорчилик ҳаракатларини режалаштирувчилар, жўроқ айтганда, ташкилотнинг «мияси» Европа мамлакатларида жойлашиб олган.

Нью-Йорк ҳамда Вашингтондаги даҳшатли портлашлардан сўнг АҚШ хавфсизлик хизматлари террорчи гуруҳларга алоқдорликда гумон қилинган бир қанча шахсни ҳибсга олди. Ҳозир улар тергов қилинмоқда. АҚШ билан бир вақтда Европа давлатларининг хавфсизлик органлари ҳам террорчи гуруҳларга алоқдор шахсларни бирин-кетин ушлаб бошлади.

Маълумотларга кўра, ҳозирга қадар турли экстремистик гуруҳларнинг ўтказга яқин йирк йўлбошчиси ҳибсга олган. Аслини олганда, Европада 1998 йилгача ислом экстремизми билан боғлиқ жиддий муомело деярли йўқ эди. Негаки, «Ал-Қоида» кўтба мамлакатлари хавфсизлик органларига яқин маълум, ташкилотнинг Европадаги барча аъзолари эса махсус хизматларнинг доимий кузатиш остида бўлган. Шунинг учун ҳам европаларнинг асосий эътибори қитъадаги ички яралар - Испаниядаги «ЭТА», Буюк Британиядаги «Ирландия республика армияси», Франциядаги корсикалик айирмачилар қаратилган эди. Тўғри, гоҳи-гоҳида «қўча дунё»

ропа мамлакатларида ҳам ўзининг қонли фаолиятини бошлаб юборди. Унинг Италия, Германия, Испания, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда жойлашиб олган издошлари секин-аста Европани ҳам террор ботқоғига торта бошлади. Аҳвол тобора ёмонлашиб бораётганини сезган европалар террорчилик балоси фақатгина АҚШга эмас, балки уларнинг ўзига ҳам жиддий таҳдид солаётганини тушуниб етди. Натижада, Европада XXI аср балосига қарши жиддий кураш бошлаб юборилди. Утган йилнинг октябр ойидан буюн Германия ва Италия махсус хизмат вакиллари-нинг ҳамкорликдаги операцияси натижасида бир неча ўта хавфли тер-

ро р ч и кўлга туширилди. Бундан ташқари, шу йилнинг 22 июнида Испанияда яна бир хавфли йириқчи ҳибсга олинди. Ҳозир у ўз судини кутиб ётибди.

Европада террорчиликка қарши кураш авж олган бир пайтда, ЕИга аъзо давлатлар орасида бу курашнинг баъзи жиҳатлари борасида жиддий келишмовчиликлар юзасида чиқмоқда. Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида деярли ҳеч қандай чегара йўқлигига қарамай, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳасида иттифок давлатлари орасида ҳамон жиддий номуносивчиликлар мавжуд. Гап шундаки, утган йил апрелда Италиянинг Милан шаҳрида «Ал-Қоида»га алоқадорликда гумон қилинган бир неча шахс ҳибсга олинган эди. Тергов пайтида уларнинг ҳамтоволлари ЕИ давлатларидан бирида жойлашиб

олгани маълум бўлди. Шундан сўнг, италиялик терговчилар ўша давлатдаги ҳамкасбларидан террорчиликда гумон қилинаётган Тарик Маъруфийни ҳибсга олишни илтимос қилди. Лекин, Маъруфийнинг айби тўлиқ исботланмагани рўқс қилиниб, италияликларнинг илтимоси қондирилмади.

«Қўча кўтба» давлатлари махсус хизмат вакиллари айтишича, «Ал-Қоида»нинг Европадаги тармоқини йўқотиш йўлидаги яна бир тўсиқ Буюк Британия бўлмоқда. Франциялик терговчилар террорчиларнинг Европа бўйлаб тарқалиб кетган гуруҳларининг «бошқарув маркази» Лондонда жойлашганини айтмоқда. Уларнинг фикрича, Буюк Британия қонунлари бошқа давлатларникига қараганда «қўнғилчароқ». Шунинг учун ҳам Афғонистонда тайёрларидан утган террорчилар Европа давлатлари орасида Буюк Британияни кўпроқ ҳўш кўради. Бундан ташқари, қонунлар нидо-ятда либерал бўлгани тўғрисида террорчи гуруҳлар аъзолари ўз шерика-ри билан ҳеч ҳадиксирмай алоқа қилаверади.

Бундай фикрлар пайдо бўлган, Буюк Британияни разведкаси ҳам мамлакатда истикомат қилаётган, келиб чиқи-ли ҳеч қандай чегара йўқлигига қарамай, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳасида иттифок давлатлари орасида ҳамон жиддий номуносивчиликлар мавжуд. Гап шундаки, утган йил апрелда Италиянинг Милан шаҳрида «Ал-Қоида»га алоқадорликда гумон қилинган бир неча шахс ҳибсга олинган эди. Тергов пайтида уларнинг ҳамтоволлари ЕИ давлатларидан бирида жойлашиб

ЖОРЖ БУШ БАЁНОТИ

Куни кеча АҚШ Президенти Жорж Буш ўз мамлакатининг захираларида бўлган ядровий қуролларнинг бир қисми қисқартиришга қарши тўғрисида баёнот берди. Бундай ижобий қадамни Россия Президенти Владимир Путин ҳам қўллаб-қувватлади. Ядровий қурол-аслаҳаларнинг инсоният бо-шига тасаввур этиб бўлмай-диган даражада фожевалар келтириши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун, жаҳон тинчлик-севар афкор оммаси ҳаммаша-ҳамрўз бундай сий-ҳаракат-ларнинг кенг қўлч ойишини истаб келган, бундан кейин ҳам истайверди, деди РФ Президенти.

ОВРУПО БЎЙЛАБ САФАР

Покистон президенти Первез Мушарраф 11 сентябр воқеаларидан сўнг, биринчи марта катта сафарга отланди. Дастлаб у, Франция, Буюк Британия, Туркия, Эронда

НИКАРАГУА САЙЛОВЛАРДАН СЎНГ

Яқинда Никарагуада президенти ҳамда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакат полицияси раҳбари Э.Кордеро ва армия қўмондони Х.Каррионнинг айтишича, ушбу сийсий тадбир тинч ва осуда ўтган, ҳеч бир тартибузарлик, тўла-нонлар кузатилмаган. Президентлик учун Мустанқил либерал партия етакчиси Энрике Боланьос ҳамда Сандиночилар миллий озодлик fronti етакчиси Даниел Ортега курашаётган эди. Улардан қайси бирининг галаба қозонганлиги бугун-эрта маълум бўлади.

ҚОБУЛГАЧА «БИР ҚУЛОЧ»

Кейинги кунларда АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий қучлари Афғонистон толибларининг



Учоқларига зарба беришни тобора фаоллаштирмоқдалар. Шимолий Иттифок қўшинлари ҳам сиқув ҳалқасини тобора торайтирмоқдалар. Натижада Мозори-Шариф йўналишида генерал Абдурашид Дўстим, Қобул йўналишида генерал Мухаммад Фаҳим қўшинлари муваффақиятга эришдилар. Мозори-Шариф қўлга киритилди. Афғонистоннинг Бу-ғиндаги давлат бошлиғи Кур-хониддин Раббоний сўзлари-га қараганда, ушбу ҳафтада мамлакат пойтахти — Қобул шаҳри ҳам қўлга киритилди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

Хатирчи туманида мактаб-маориф иши умум ишига айлиниб бораётгани ҳамма кувонтирмоқда. Яқинда тумандаги «Мерседес-Бенс» автокорхонаси хайдовчиси Худойназар Тўраев Абдухалик Халилов номли хўжалик ҳудудидаги 28-мактабга оталик ёрдами сифатида ўз ҳисобидан 2 миллион сўм маблағ ажратди. Бу хайрия маблағи мактабни тўла газлаштириш, йўл-йўлақлар қуриш ва бошқа обдончилик ишларига сарфланди.

Хайдовчининг ИККИ МИЛЛИОНИ

Савобли ишдан ишбилармонлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Тадбиркор Бахтиёр Холов 20-мактабни молиявий қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олган. 22-мактаб жамоаси эса ре-

питеторликдан тушган маблағнинг 20 фоизини мактаб ҳисобига ўтказиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, йирик ташилот, хўжалик ва корхоналарнинг оталик ёрдами би-

Саховат

лан бир қатор мактабларнинг иқтисодий ҳолати, ўқув тарбия жараёни тубдан яхшиланди. Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 7-мактабга, Йўлдош Охунбоев ва Абдухалик Салимов номли ширкат хўжаликларининг 8-, 15-мактабларга кўрсатган беҳнабат ёрдами ҳақида шундай фикр билдириш мумкин.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

КОНСТАНТИН ДЗЮ: МУҲАММАДҚОДИР МЕНДАН ҲАМ УЗОҚКА БОРАДИ

Эътироф

Таникли профессионал боксчи бу баёноти АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган «гранд программ» деб аталувчи йигин тугаши ҳамон берди.

Табиийки, бу шахар номини эшитган заҳоти оддий муштарий кўз ўнгиде яшил мато қопланган катта стол ва унинг атрофида ўтирган кимор ишчиболари пайдо бўлади. Сўнгги йилларда вазият бир мунча ўзгарди: эндиликда шахар профессионал бокс тарғиботчиси сифатида ҳам машҳурлашиб бормоқда. Бу ерда бир канча атоқли мактаблар бўлиб, уларда ҳақиқий чарм кўлоқ усталари тайёрланмоқда. Қандай ўқувчилар таҳсил олаётганини тасаввур қилиш учун лоақал ўзбекистонлик Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг номини тилга олиш кифоя. Сидней Олимпиадасидаги галабадан сўнг, бунгача ҳаваскорлик боксида эришиш мумкин бўлган барча мукофоту совринларни кўлга киритган бу спортчини Лас-Вегасдаги профессионал бокс мактабига бажонидил қабул қилишди. Ва айтиш жоизки, у ҳозирданок бир талай муваффақиятлар соҳибига айланди. Қуни-кеча нихоясига етган рейтинг жанглари ҳам буни тасдиқлади — жаҳон чемпионлиги унвони учун курашга элтувчи муҳим қадам ташланди.

Куръага кўра у муносиб рақиб ҳисобланган мексикалик Руисга рўбарў келди. Америка қитъаси спортчиси кейинги йилларда маҳорат бобига тез суруятлар билан ўсишда давом этаётганини унинг профессионал рингдаги олишувлари ҳам тасдиқлаб турибди. Унинг ўзи га хос жанг услуби, бу аёвсиз ҳужум ва шиддат, оғир олишувларга сабот билан

дош бериш ҳисобланади. Албатта, Муҳаммадқодир ҳам анойилардан эмас, бироқ унинг профессионал сифатида яқиндагина фаолият кўрсата бошлаганини эсдан чиқармаслик лозим.

Лас-Вегасдаги матч ўтган бир йил мубайнида Муҳаммадқодир кучга тўлиб, кескинроқ ҳаракат қилиш маҳоратини эгаллаганини намойиш этди; мутахассислар

қиятларгина Муҳаммадқодирнинг азалий орузи — жаҳон тожи учун жангга киришиш ва уни жонажон мамлақати учун тўхфа этишга яқинлаштиради. Бинобарин, ҳозир Австралияда истикомат қилаётган афсонавий Дзюнинг оқ йўлини эса миннатдорчилик ва масъулият билан қабул қилмоқ лозим: «Абдуллаев ҳали ёш ва бизнинг вазн тоифамизда у энг истиқболли


да. Муҳаммадқодирнинг шахсий фазилатлари — унинг алоҳида шариотда тарбия кўрганлиги унга ҳаваскорликдан профессионалликка ҳеч бир оғриқларсиз ўтишга ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилади, дейди тренер. Ва ҳар гал у кўзланган чўққини осонлик билан забт этади, чунки у хотиржам, ўйламай сўзламайди, умуман ор-

баҳо беришининг ўзи дикқатга сазовордир. Бунга шунчаки воқеа сифатида қараб бўлмайди, чунки пул дунёсида, (профессионал бокс ҳам шу дунёнинг таркибий қисми ҳисобланади) бундай баҳолар худда-беҳуда берилмайди. Тирик афсонага айланган Дзю мулоҳазалари билан ўртоқлашишининг яна бир сабаби шуки, у яқинда ўз фаолиятига яқун ясамоқчи ва табиийки, ундан кейин Константиннинг вазни бўйича бокс тақдирини барчани тўлқинлантираётгани учун ҳам бу баёнот гоят аҳамиятлидир. «Менинг назаримда, — дейди Уортон, — у ўз ворисининг номини тилга олди. Бироқ энди ишлаш ва яна ишлаш, муттасил равишда кучлироқ бўлиб бориш керак, зеро рақиблар ҳам фол очиб ўтирмайсизми аниқ».

Лас-Вегасдаги «гранд программ»да яна бир ўзбекистонлик боксчи — Қ.Тайганбоев ҳам яхши таассурот қолдирди. У ўн раунддан иборат жангда америкалик Фернандес билан учрашди ва еттинчи раундда техник накаут билан голиб чиқди.

Мутахассисларнинг эътирофича, МДХ мамлакатлари спортчилари профессионал рингини ишонч билан эгалламоқдалар. Айниқса, бу ҳол олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев сиймосида муҳасаммалашган ўзбекистоннинг шаффоф жилғаси билан бевосита боғлиқдир. Константин Дзюнинг айтишича, бу мутлақо табиий. Бу йигитларнинг келажаги порлоқдир.

Валерий БИРЮКОВ, Ташкент-Лас-Вегас. («Труд» газетасининг 208-сонини).



ўзбек боксчисиде бир зайлда оғишмай улғайиб бораётган жангчи — профессионални кўраётганларини эътироф этаётганлари ҳам бежиз бўлмас керак. Ушбу рейтинг олишувни саккиз раунддан иборат бўлсада, жангчи юқори савияда ўтказган Муҳаммадқодирнинг галаба қозониши учун беш раунд кифоя қилди.

Муҳаммадқодир жуда яқин келажақда кучли боксчига айланади, дейди Константин Дзю. «Юқорида тилга олинган ютқандан сўнг ўзбекистонлик боксчининг рейтингини янада юксалди; энди уни тагин ҳам номдорроқ рақиблар билан бўладиган жиддий жанглар кутмоқда. Ва фақат машғуллардаги аъло натижалар, рейтинг жангларида кўлга киритилган муваффа-

жангчидир. Мен профессионал сифатида ўз фаолиятимни давом эттириш учун қариб қолдим, Муҳаммадқодир учун эса ҳаммаси олдинда. Уйлашимча, айнан у менинг издошим ва жаҳон чемпиони бўлади».

АҚШда чемпионлар мураббийи деб ном олган тренер Кенни Адамс ҳам худди шу руҳда фикр билдириб, бундан яхши шогирди бўлмаганлигини эътироф этди. Муҳаммадқодир мулозим, тренер тавсияларига қатъий риоя этади, у билан баҳслашмайди, машғулот ва ҳордиқ онларини кундалик режага мувофиқ амалга оширади. Бу ҳол ўз шогирдларининг «юлдузлик хасталигига» қўниқиб қолган америкалик мутахассисларни, айниқса, қувонтирмоқ-

тиқча «ўзини кўз-кўз қилишга» ошқимайди. У, агар таъбир жоиз бўлса, пистирмадан туриб ҳужумга ўтади, дейди Адамс. Аммо бир нарса аниқ: ўзбек боксчиси ҳеч қачон очилмаган кўриқ бўлиб қолмайди; хорижликлар учун талаффуз этиш анча қийин бўлган исм — Муҳаммадқодир номи ҳозирданок нафақат мутахассислар, бутун дунёдаги профессионал бокс мухлислари учун ҳам таниш ва яқин эшитиладиган бўлиб қолди.

Биз телефон орқали суҳбатлашган Влад Уортон ҳам Абдуллаевнинг жангларида қониқиб қолган ҳолатини айтиди. Спорт менежерининг фикрича, Константин Дзюнинг ўзбекистонлик боксчига ошқора тарзда

Ташаббус МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ВАҚТ ТАНЛАМАЙДИ

Тушлик вақти бўлиши билан барча ходимлар банк ҳовлисида жойлашган ошхона томонга йўл олдилар. Банк радиозелидан мумтоз ва замонавий куй ва кўшиқлар таралади. Мўъжазгина фаввора қуёш нурида камалак рангида товланади. Столларга турли ноз-неъматлар қўйилган. Ходимлар ўз талаб ва истаклари асосида тайёрланган таомлардан олиб, стол атрофида жамулжам бўладилар.

Тушлик тугаши билан ўртага банк бошқарувининг раиси Икромжон Ибрагимов чиқади ва таваллуд кунини нишонлаётган Шавкат Абоқулловни жамоа номидан табриклар, эсдалик совғаси топширади. Дилларга ҳузур бағишлаб кўшиқ таралади.

Шундан сўнг, кутубхоначи Хонқиз Исмоилова сотиб олинган янги китоблар билан таништиради ва улар сони 5500 та нусхага етганлигини хабар қилади.

Тушлик қилиб бўлган ходимлар ижтимоий-маиший мажмуа томон йўл оладилар. Кимдир ўқиб бўлган китобини топшириб, янги китоб олади. Бошқаси янги адабиётлар рўйхати билан танишишга киришади. Яна кимдир яқинда ўтказилган китобхонлар конференциясига тайёргарлик кўради. Айрим ходимлар тиббиёт шохобчасига ошиқадилар. Бир гуруҳ ёшлар шахмат-шашка ўйнаш билан банд. Стол теннис устида бошланган бахс ҳам қизигандан-қизиган...

Ҳа, ўзининг 10 йиллик тўйига тайёргарлик кўраётган «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки бошқаруви бирлашган касабга уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда муҳим масала ечимини топди. Барча маънавий-маърифий тадбирларни тушлик пайтида ўтказишга қелишилди.

Бунинг учун эса зарур шариотларни яратиб лозим эди. Қисқа вақт ичида ижтимоий-маиший мажмуа қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бу ерда маънавият-маърифат хонаси, кутубхона, ўқув зали, тиббиёт шохобчаси,

дам олиш хонаси, кишлик ошхона ташкил этилди. Уларнинг барчаси замонавий тарзда жиҳозланди. Ёзлик ошхона учун эса банк ҳовлисининг энг сўлими ва гўзал жойи танлаб олинди. Европача ва шарқона услубни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган ошхонада кўрсатилаётган хизматдан барча мамнун. Энг муҳими, ошхонада тайёрланиши мумкин бўлган таомлар рўйхати анкета тарзида бир ҳафта аввал банк ходимларига тарқатилади.

Ҳафта давомида кўпчилик хоҳиш биландирган таомларгина тайёрланади. Тушлик ҳаражатларини эса банк ўз зиммасига олган.

Айниқса, фурсатдан фойдаланиб турли мавзулардаги лекциялар, мунозаралар, баҳслар, конференциялар, олим ва санъаткорлар билан учрашувлар, банк ҳовлисидаги «Ҳамкор» ҳаваскорлик дастаси аъзоларининг чиқишлари ташкил этилиши кўпчиликни хушнуд этмоқда. Ҳафтанинг ҳар сешанба кунини ягона сиёсий-иқтисодий кун деб белгиланган.

Маънавий тарбиянинг шу тарзда йўлга қўйилиши ходимларни янада изланиб, ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этаётир. Банкнинг бугунги кунда молия бозорини мустақкам ўрин эгаллаб, жаҳонга юз тутаётганлигининг боиси ҳам ана шундандир.

Асадулло МИРЗААҚБАРОВ, «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки бирлашган касабга уюшма кўмитасининг раиси.

Кейинги йилларда «Сувгеология» илмий-технаислар институти мутахассислари самарали изланишларининг натижасида қатор янги лойиҳалар юзага келди. Нефть маҳсулотлари сифатини яхшилаш жараёнларини ўрганишга қаратилган ишланмалар ҳам қутилган натижа-

МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Целлюлоза-қоғоз корхоналарида ҳосил бўладиган оқава сувларни тозалашга доир изланишлар катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Оқава сувларни электрокимёвий йўл билан қайта ишлашга таллуқли лойиҳалар ҳам институтининг жиддий ютуқларидан бири бўлди.

Бу ва шунга ўхшаш яна бир қатор изланишлар Ташкентда ўтказилган «Табиатни ва муҳандислик коммуникациялари тизимини химоя этиш муаммолари ҳамда уларни ҳал қилиш усуллари» деган республика илмий-амалий семинарида муносиб баҳоланди.

Ақбар АЛИЕВ.

2001 йил — Оналар ва болалар йили



КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Денов туман Халқ таълими бўлимига қарашли 19-«Ғунча» болалар боғчасида 240 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Боғчадаги мавжуд 11 та гуруҳнинг 3 таси кичик, 9 таси мактабга тайёрлов гуруҳларидир.

Гуруҳларда болаларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун алоҳида эътибор берилади. Хусусан, мусиқа, бадий ўқиш каби машғулотлар билан бирга компьютер дарслари ҳам ўтилади. Шинам безатилган спорт зали ва май-

дончаси, чўмилиш ҳавзаси, боғча ҳаётини акс эттирувчи музей, 500 тадан зиёд ўйинчоқлар, ажойиб манзарага эга гулзор болажонларнинг овунчоғидир. Ўғил-қизларнинг соғлиқларини шифокор Гуландом Шодмонова, ҳамшира М.Зиёевалар доимо назорат қилиб борадилар. Тарбиячи Лутфия Орипова эса республика «Йил тарбиячиси» қўрик-танловида «Зеҳни ўткир тарбиячи» деб топилди.

Мактабга тарбия масканида мусиқа санъатига бериллаётган эътибор боис боғча тарбияланувчилари уч йилдан бери ту-

Биласизми? SOS — ХАЛҚАРО СИГНАЛ

Радио ихтиро қилингандан сўнг орадан икки йил ўтгач, 1898 йилда Англияда бир кема симсиз телеграф билан жиҳозланди. Бу — сузиб юрувчи маяк эди.

Ана шу маяк кема 1899 йилнинг 6 мартинида денгизда «Мэттьюс» номли кема билан тўқнашиб кетиб ҳалокат рўй берганида денгизчилик тарихида биринчи марта радио ор-

қали ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Аммо ўша вақтда жаҳон бўйича қабул қилинган ягона халқаро ҳалокат сигнали йўқ эди. Фақат 1906 йилнинг 3 ноябрида Германиянинг Берлин шаҳрида халқаро радио телеграф Конвенцияси тузилиди ва шунда бутун дунё учун ягона ҳалокат сигнали SOS деган сигнал қабул қилинди.

SOS инглизча Save

Qur Sojis, яъни жонингизни кутқаринг деган уч сўзининг бош ҳарфларидан иборат.

XVIII асрнинг охиридан бошлаб, бу ишга давлатлар эътибор бериб, денгизчиларни оталиққа ола бошладилар.

Бу сигнал минглаб кишиларни ҳалокатдан кутқариб, инсониятга катта фойда берди.

А. АҚБАРОВ.

Хушxabар ТўЛИҚ НАШР

Ўзбек шеърятининг буюқ даҳоси Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» деб номланган асарини шoir ижодида муҳим ўрин тутди. Аммо бу асар ўқувчилар учун ҳали яхши таниш эмас эди. Уни китобхонларга яқиндан таништириш мақсадида ҳайли ишга қўл урилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти олимлари «Насойим ул-муҳаббат»нинг тўлиқ нашрини амалга оширдилар. У биринчи марта Алишер Навоий мукамал асарлар тўпламининг ўн еттинчи жилдида босилиб чиқди.

Ушбу нашрда асар ҳақида атрофлича тушунча берилган.

Шунингдек, боғчада «Жажжи гўзал», «Конституциямиз билимдонлари», «Отам, онам ва мен», «Бувимдан эшитган эрталарим» каби қўрик-танловларнинг ўтказилиши улар тафаккурини шакллантиришда катта ёрдам бермоқда. Матлуба Эргашева раҳбарлик қилаётган кўғирчоқ театри кичкинтойларда одамийлик, яхшилик, меҳр-оқибат, Ватанга садоқат туйғуларини тарбияламоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири. И.ХАСАНОВ олган сурат.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси буюртмасига мувофиқ мактабгача ва бошланғич синф ёшидаги болалар учун «Желли Жем — инсонлар химоячиси» деб номланган қўлланма chop этилди.

ЭКОЛОГИК ҚўЛЛАНМА

БМТнинг «Орол денгизи имкониятларини ривожлантириш» дастури ҳомийлигида ўзбек ва қорақалпоқ тилларида босмадан чиққан мазкур нашрда болалар экологик тафаккурини юксалтиришга хизмат қиладиган қўллаб қизил карли маълумот ва суратли лавҳалар берилган. Барча воқеалар китоб қаҳрамони Желли Жем — мийти кўнча тилидан ҳикоя қилинган.

Ушбу қўлланма меҳрибонлик ўйлари, мактаб-интернатлар, мактабга-на тарбия муассасалари ва мактабларга ҳадя этилади.

(ЎЗА).

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Махсус рақам: 700165, Ташкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г— 3024. 1 2 3 4 5 6